



Қ А Р О Р И

2020 йил “8” июл

№ 53/7

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғриси”ги Қонунга мувофиқ Булунғур туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, кишлоқ аҳоли пунктлари, кўчаларни номлаш ва қайта номлаш ҳамда тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбек тилининг мавқеи, аҳамияти ва ўрни ҳақида қанча гапирсак, қанча фахрлансак арзийди. Сабаби - она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлган 100 та тилдан биридир. Ҳолбуки, дунёда бундай юксак мақомга эга бўлолмаган юзлаб тиллар мавжуд. Кейинги йилларда ҳукуватимиз томонидан бу масалага катта эътибор қаратилаётгани барчамизни қувонтиради. Жумладан, 2019 йил 21 октябрь куни давлатимиз раҳбари “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тасдиқланди. Фармонга асосан “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” деб белгиланди. Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида алоҳида тузилма Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш Департаменти ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ “Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 295-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, туманимиздаги 1 та турдош маҳалла фуқаролар йиғини, 12 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 18 та кишлоқ аҳоли пунктлари, 53 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 600 та номсиз кўчалар ҳамда 4 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 6 та қонун талабларига жавоб бермайдиган ва 2 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 2 та турдош номли кўчаларга янги номлар бериш таклифи вилоят географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияга юборилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Булунғур тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ғ.Шамановнинг Булунғур туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, қишлоқ аҳоли пунктлари, кўчаларни номлаш ва қайта номлаш ҳамда тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан шакллантирилган турдош номли маҳалла фуқаролар йиғини 1-илова, қонун талабларига жавоб бермайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари 2-илова, номсиз кўчалар 3-илова, қонун талабларига жавоб бермайдиган ҳамда турдош номли кўчалар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ғ.Шаманов, туман ҳокимининг ўринбосарлари (Д.Шакарбоев, А.Хазраткулов, Б.Ильчиев) ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда кўча номлари акс эттирилган пешлавҳаларни 20 кун муддатда белгиланган тартибда ўрнатиш вазифаси топширилсин.


4. Туман статистика бўлими (С.Турдиев), Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Булунғур туман бўлими (Ф.Каримов), туман Ички ишлар бўлими (Б.Жўракулов), туман Фавқулодда вазиятлар бўлими (Ф.Убаев), туман Тиббиёт бирлашмаси (Л.Махманов)ларга янги ва қайта номланган кўчаларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти халқ депутатлари Булунғур туман Кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 22/3-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғриси”ги Қонунга мувофиқ Булунғур туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида мавжуд кўчалар ҳамда янги ташкил этилган кўчаларга ном бериш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қарор ижросини таъминлаш учун туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ғ.Шаманов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосарлари (Д.Шакарбоев, А.Хазраткулов, Б.Ильчиев)лар масъул этиб белгилансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Булунғур туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси З.Алиқуловага зиммасига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси

 — Б.Бахрамов